




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

АҲОЛИГА ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИ ЕТКАЗИШ ВА ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУҚУМАТ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

ҚАРОР БИЛАН ҚЎЙИДАГИЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



"МАДАД" МУАССАСАСИ ҚЎЙИДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:



ОНЛАЙН РЕЖИМДА ИШЛАШ

фуқароларга онлайн режимда бепул ҳуқуқий маслаҳат беради

БЕВОСИТА МАСЛАҲАТ БЕРИШ

ҳудудларда маслаҳат бюрolarини ташкил этиш орқали фуқароларга доимий равишда бевосита бепул ҳуқуқий маслаҳат бериб боради

ҚОНУНЧИЛИККА ТАКЛИФЛАР БЕРИШ

ҳуқуқий маслаҳат беришга оид сўровларни таҳлил қилган ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади

КЎНГИЛЛИЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

ҳуқуқий билимларини ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ошириб бориш ишларига кўнгиллиларни жалб қилади

"МАДАД" муассасаси, шунингдек, Advice.uz (e-maslahat.uz) порталини доимий ишлашини таъминлайди ва такомиллаштириб боради

Advice.uz
Hujjatli axborot portal

ADVICE.UZ 2019 ЙИЛ АПРЕЛДА

Адлия вазирлиги томонидан ишга туширилди. Унда:



1000 ДАН ОРТИҚ
ҳуқуқий масалалар бўйича контентлар жойлаштирилди



9459 ТА
ҳуқуқий саволлар онлайн мулоқот орқали йўлланди



1802 ТА
ҳуқуқий савол оффлайн мулоқот орқали йўлланди



40 МИНГДАН
ошиқ фуқаролар фойдаланди

Адлиядан янги ташаббус: энди ҳуқуқий мададга муҳтож бўлмайсиз. Чунки...

ХАЛҚИМИЗГА хос буюк кадрлардан бири оқибат тушунчасидир. Бу одамларнинг бир-бирига меҳр кўрсатиши, кўмаклашиши, қўллаб-қувватлаши, бир сўз билан айтганда, мадад бериш тўғрисида орқали намоён бўлади. Муҳими, мадад ҳеч қачон бирон манфаат кутиб кўрсатилмайди. Унинг ўлчови ҳам, баҳоси ҳам йўқ. Мадад қалбнинг саховати, эзгуликнинг нишониси, белгисидир. Луғатларда мадад сўзига қўйидагича таъриф берилган: яъни далда бўлувчи моддий ёки маънавий ёрдам. Демак, мадад ортида миннат ётмаса бу тушунча оқибатга айланади.

Айнан мазкур эзгу мақсадлар йўлида Адлия вазирлиги навбатдаги хайрли ишга қўл урди. Вазирлик ташаббуси билан аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатувчи нодавлат нотижорат ташкилоти шаклидаги "Мадад" муассасаси ташкил этилди. Айнан ушбу муассаса орқали ҳуқуқий масалаларда фуқароларга ҳар томонлама кўмак бериб борилади. Ушбу муассасанинг пойдевори Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги қарори бўлди.

ҚАНДАЙ ЗАРУРАТ БОР ЭДИ?

Таъкидлаш жоиз, аҳолига бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш амалиёти шу кунгача ҳам қўлланиб келинмоқда. Лекин бу ишлар доимий равишда ва тизимли олиб борилмас эди. Фуқаролар бундай маслаҳатларни қаерда ва қачон олиш ҳақида аниқ билмасдилар. Эндilikда қарорга кўра, ушбу фаолият алоҳида муассаса томонидан мунтазам ва тизимли тарзда амалга оширилади.

ОБУНА — 2020 АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ БИЗ БИЛАН!

— Не-не замонларда ҳам, не-не даврлардан буён газета мафкура-нинг ўткир қуроли бўлиб келган.

"Инсон ва қонун" газетасини фақат юристлар ўқийди, деб ўйлаганлар катта хато қилади. Бу газетани барча ўқиши керак. Ўз ҳақ-ҳуқуқини билишни истаган ҳар бир фуқарога "Инсон ва қонун" газетаси сув билан ҳаводек зарур.

2-3 саҳифалар

СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ МАМЛАКАТИМИЗ СУД ТИЗИМИДА ЯНА БИР ТАРИХИЙ ВОҚЕА



Убайдулла МИНГБОЕВ,
Судьялар олий кенгаши
раиси, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган юрист

5-саҳифа

ПАРМОНОВИЧ ПЕНСИЯГА ЧИҚМОҚЧИ "ПАРМОНОВ" ЭСА ХАЛАЛ БЕРМОҚДА

Собиқ шўролар даврида жуда кўп фуқароларимизнинг исм-шарифлари иш юритиш ҳужжатларида хато ёзилиши оқибатида айримлар бугун пенсияга чиқиш жараёнида турли қийинчиликларга дуч келаётганлигига гувоҳ бўлаяпмиз. Ана шундай саргардонлардан бири Навбахор туманидаги М.Улугбек маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Рустам Пармонович Эшмуродовдир.

8-саҳифа



Салауатдин ХУДАЙБЕРГЕНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Адлия вазири:

МАТБУОТГА ХИТОЙЧА МУНОСАБАТ

— ХИТОЙДА бўлганмисиз-йўқми билмадим. Мен 2018 йил май ойида Хитойда бўлганимда, (ўша пайтда Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати эдим) уларнинг ҳайратга соладиган, ўрнак олса арзийдиган бир жиҳатига қўйил қолдим. Истироҳат боғлари, тарихий-маданий ёдгорликлари, кўнгилочар масканларда одамлар (асосан ўрта ва кекса авлод вакиллари) газета ўқир экан. Хитойда обуна бўлмаганлар ҳам газета ўқиши мумкин. Қандай қилиб дейсизми? Ҳукумат 16,8 миллиард юань сарфлаб, мамлакат миқёсида 600 мингта махсус газета ўқиш хоналарини қуриб фойдаланишга топширган. Шақлан кутубхоналарга ўхшаш бу масканларда одамлар газеталарнинг янги сонини бепул ўқишлари мумкин.

Ҳамма ҳукуматнинг мажмур тадбирдан сўнг босма нашрларнинг обунаси "ўлгиндир-а", деб ўйлаш табиий. Йўқ, аксинча, Хитой босма оммавий ахборот воситала-

рининг адади бўйича сўнгги йилларда дунё миқёсида етакчилар сафига қолмоқда. Сайёрамиз миқёсида энг кўп ададга эга бўлган 100 та газетанинг тўртдан бири Хитойга тегишлидир.

Айтмоқчиманки, босма нашрлар ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайди. Айна тахририятларда профессионал журналистлар тайёрланади. Яна бир гап. Обуна бўлишга чакирӣқ — бу маърифатли бўлишга чорлов. Уйинга биттагина газета кириб бурса, бу билан нафақат ахборотга эга бўлиш мумкин, балки савод чиқаришинг, жумла тузишни ўрганишинг, огоҳ бўлишинг, саволларингга жавоб олишинг, керак бўлганда тахририятдан муаммоларингга ечим топишинг мумкин. Узини зиёли ҳисоблаган инсон борки, хонадонидида ёки иш столида, албатта, ўзининг семимли наشري туради. Айнакиса, бу ҳуқуқий нашр бўлса фойдадан ҳоли бўлмасди.



Абдумуталиб ДАДАЖОНОВ,
Андижон вилоят адлия бошқармаси
бошлиғи:

ЎЗИМИЗНИНГ ЮЗИМИЗ

— КУНДАЛИК газеталарни мутолаа қилар эканман, бир маърифатпарвар юртдошимизнинг ўзаро суҳбатда айтган гапи ёдимга келаверади. "Мен одатда газетани ўқиб бўлган, уни дастурхон четига қўйиб қўяман, токи дастурхон атрофига йиғилган оила аъзоларим ҳам унга кўзи тушиб уни арақлаб кўрсин ва албатта, ўзига қизиқ бўлган ниманидир ўқийди ва бундан тафаккури ошади, чунки газеталарнинг ёлгон, олди-қочди таъбир жоиз бўлса, гийбатдан ҳоли эканлигига ишонаман".

Куриниб турибдики, зиёли танишимиз бу иши орқали фарзандларини ҳам мутолаага, ҳам нимани ўқиш кераклигига ўргатмоқда. Бугун замоннинг ўзи ҳам кўп ўқиб-ўрганишни, илмли бўлишни олдимизга кўндаланг қўймоқда.

Бугун биз ахборот асрида яшаймиз, ўқиб-ўрганишинг ҳам имконияти кенгайган. Биздан эса талаб қилинадигани нимани ўқиб,

кимдан нимани ўрганишимизни англаш. Шу маънода айтганда, бугун кўпроқ газета, журнал ва китоб ўқишга одатланишимиз ва фарзандларимизни ҳам шунга ўргатиш тўри ва бехатар йўл, деб ўйлайман. Чунки фарзандингизнинг қўлига мана бунга ўқи, деб китоб, газета, журнални беҳавотир тутқазингиз мумкин. Мана бундан ўқиб ўрган, дея унинг олдида интернет ёки телефонни қўйиш эса... билмадим ҳар қалай мен фарзандларимнинг булардан йироқроқ бўлишини хоҳлайман.

Адлия вазирилик тизимида меҳнат қилаётган катта жамоанинг юзи бўлган "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси ҳам кенг оммани ҳолис ва ишончли ахборот билан таъминлашда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Шундай экан, ушбу газета йил давомида ҳар биримизнинг қўлимизда, хонадонимизда бўлишини чин дилдан хоҳлардим.



Шерзод БАХРОНОВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси
бошлиғи:

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ БИЛАН БИРГАМИЗ!

— НЕ-НЕ замонларда ҳам, не-не даврлардан бўён газета мафкура-нинг ўткир қуроли бўлиб келган. Бугун оммавий ахборот воситаларига берилган "Тўртинчи ҳоқимият", деган таъриф гўёки қоғозда қолган ижросиз ҳужжатга ўхшаб қолди. Кейинги йилларда газета-журналларнинг мавқеи, нуфузи бироқ тушиб қолгандек. Чунки одамлар ҳозир газета-журналлардан кўра кўпроқ турли интернет тармоқларига тобе бўлиб бормоқда. Бу тобеликнинг оғир бадаллари борлиги кўпчиликини ташвишга солмаётгани ачинарли, албатта. Мафкура майдонига қадам босишга қўдради, журъати, билими, савияси етмаётган айрим раҳбарлар мажбурий обуна, деган иборага ёпишиб олиб, аввало, ўзларини ишонтирмоқчи бўлишди. Газета ва журналларга обуна бўлмаслик учун барча хунарларини ишга солган айрим амалдорлар республикамизда чоп этилаётган баъзи етакчи нашрларни ўқиш уёқда турсин, ҳатто номини ҳам билмайдиган даражага етди. Бу эса маърифатли инсонларга хос эмас. Ахир, ҳам-

мамиз ҳам китоб, газета ва журналларни ўқиб, дунёни англаганмиз.

Иш юзасидан қўшни давлатларда сафарда бўлганимизда биринчи навбатда одамларнинг ёши касби-коридан қатъи назар қўлида китоб ёки газета-журнал борлигига кўзимиз тушади. Яна бир оддий ҳақиқат бор. Саводли одам китоб мутолаа қилади, газета-журнал ўқийди. Саводсиз одам баҳона қидиради.

"Инсон ва қонун" газетасини фақат юристлар ўқийди, деб ўйлаганлар катта хато қилади. Бу газетани барча ўқиши керак. Ўз ҳақ-ҳуқуқини билишни истаган ҳар бир фуқарога "Инсон ва қонун" газетаси сув билан ҳаводек зарур.

Адлия тизимида амалга оширилаётган улкан ислохотларни халқимизга етказишда ҳам вазиригимиз муассислигидаги газетанинг муносиб ҳиссаси бор.

Ўтган йили обуна мавсумида семимли газетамиз обунасини самарали ташкил этганмиз. Бу йил ҳам Навоий вилояти биринчилардан бўлиши аниқ. Биз тўртинчи ҳоқимият билан доимо биргамиз!



Хайрулло САБИРОВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси
бошлиғи:

МАТБУОТГА ЮЗАКИ ҚАРАМАЙЛИК!

— ДАВЛАТ ва жамиятда, сиёсатда, кундалик ҳаётда матбуотнинг ўрни бекиёс. Аммо бугун мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари анча мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Кейинги вақтда республикамиздаги баъзи нуфузли нашрлар ҳам бир оз танлафус эълон қилишга мажбур бўлганини жуда яхши биламиз. Матбуотга муносабат сохталигича, юзакилигича қолмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларини фуқароларимизга халқона, содда тилда етказишда оммавий ахборот воситаларининг бекиёс ўрни борлигини барчамиз тан олишимиз керак.

Бугунги матбуотда сўз эркилиги, ҳақиқат мундарижаси бор. Ўзбекистон матбуотининг жаҳон матбуоти билан тенглаша оладиган ютуқлари бор. Янгиланаётган Ўзбекистоннинг нуфузини

кўтарадиган, имиджини кўз-кўз қиладиган воситалар орасида энг муҳимларидан бири матбуот эканлигини тан олиш керак! Демак, матбуотга ҳам янгича муносабат, янгича эътибор зарур!

Газеталарда ёритилган танқидий материал учун газета тахририятини, журналистни муҳокама қилиш, судга бериш ўрнига, қўлини осмонга узатса етадиган "қаҳрамон"лар мақолани ёзишга мажбур қилган муаммони тузатиш чораларини кўрса ёмон бўлмасди. Чунки матбуот раҳбарларнинг рақиб эмас, балки давлат билан халқ ўртасидаги кўприқдир.

Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучли эканлигини кўп такрорлаймиз. Аммо матбуотга, демакки, маърифатга муносабатимизни ўзгартирмас эканмиз, жамиятда ижобий ўзгаришларни тўлиқ амалга ошира олмаслигимиз аниқ.



Шоқир САИДОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси
бошлиғи:

МЕН БУГУН ОБУНА БЎЛДИМ

— БУГУН тарғибот сўзи одамлар орасида биров баландларов сўз сифатида талқин қилинаёпти. Тўғри, анча йиллар тарғибот ўтказиш керак экан деб, аудиторияга мажбурий тарзда одамларни йиғиб, зерикарли маърузалар билан уларни бездириб юбордик. Аммо ҳозир тарғибот, айниқса, ҳуқуқий тарғиботни олиб бориш механизми ўзгарди. Хусусан, Жиззах вилоят адлия бошқармаси томонидан бу борада янгича услублардан фойдаланилмоқда. Аввало, ҳуқуқий тарбияни боғча ёшидаги болалардан бошладик. Йигирмадан ортқ МТМда турли ҳуқуқий маълумотларни қизиқарли ўйинлар, тасвирлар орқали етказишга эътибор қаратилди. Кейинги босқичда эса мактаб ўқитувчиларининг ҳуқуқий билимлари оширилди. Бу жараёнлар мастеркласслар, тренинглар, савол-жавоблар шаклида ўтказилди. Биласиз, Жиззах табиати, айниқса, пувиқор тоғлари ўзига хос, бетақор. Бу ерда туризм яхши ривожланган. Шу сабабли тадбиркорлар ўртасида туризмни ривожлантириш, соҳада фаолият юритишинг ҳуқуқий асослари, йўл-йўриқлар, маркетинг бўйича маслаҳатлар ҳеч бир ишбилармонларни бефарқ қолдирмади. Шунингдек, жаззахликларга маъқул бўлаётган "Ҳуқуқшунос такси" лойиҳасида ҳуқуқшунослар томонидан фуқароларга энг зарур ҳуқуқий билимларни бериш билан бирга қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида сўзлаб берилаёпти. Муҳими, тарғибот юзлаб аудиторияни

йиғиб ўтказишга эмас, балки манзилли тарзда, аудиториянинг хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилинишига эътибор қаратилмоқда.

Яна бир нарсани айтишим керак. Тарғибот қачон самарали бўлади? Қачонки у аудиторияга етиб бурса, албатта. Буни етказувчи эса матбуотдир. Тўғри, ёш авлод интернет орқали ҳам ўз билимларини ошириб олаёпти. Аммо газетадан билим олиш бошқча. Боиси, интернетда чиққан ҳар бир ахборотни ҳам тўғри, деб бўлмайди. Муаллиф нотўғри хабар жойлаштирган бўлса уни устидан тўғрилаб қўйиш мумкин. Интернет трафингинг бўлмаса ҳам интернет нашрларни кузатолмайсиз. Матбуот эса доим уйингизда. Барбир газетани арақлаб ўқиганга етмайди. Унга қайта-қайта мувожаат қилишингиз, муҳим жойларини ўзингиз учун белгилаб олишингиз ҳам мумкин.

Шахсан ўзим иш кунимни, аввало, даврий нашрларни ўқиб кўришдан бошлайман. Чунки уларда бугунги куннинг энг долзарб воқеа-ҳодисалари баён қилинган бўлади. Биласиз, ахборотдан бир қадам ортда қолган одам ўз устиди шашадан тўхтаган кабидир. Шу сабабли ҳамкасбларимиз ва барча ҳуқуқшуносларни, шу билан бирга ҳуқуқини танишига бўлган иштиёқи баланд юртдошларимизни, ҳуқуқий нашрлар ичидида энг етакчи бўлган "Инсон ва қонун"га обуна бўлишга чорлайман. Мен ушбу нашрга бугун обуна бўлдим, Сиз-чи?



Салоҳиддин НУРИЕВ,
Самарқанд вилоят адлия бошқармаси
бошлиғи:

ГАЗЕТА — МИЛЛАТНИНГ ЮЗИ

— ЎЗБЕК матбуоти, матбаачилиги кўп асрлик даврни ошиб ўтди. Илк матбуотимиз жадидлар ҳаракатининг гоявий байроғи ўлароқ вужудга келди. Ўша давр газеталари, албатта, миллат манфаатларига хизмат қилиб, миллий онгнинг шаклланишига қаратилган мафкуравий восита бўлди. Хусусан, жаҳолатга қарши маърифат воситасига таянган жадид матбуоти миллий қадриятлардаги ҳашамдорлик, илмсизлик ва мустабид тузумга қарши ички галаани бошлайдилар. Уйлаб қаралса, ушбу муаммолар бугунги кунга ҳам бевосита тааллуқли. Тўйлардаги ортиқча ҳашам, қадриятларни кўр-кўрона урчитиб ва илм-маърифатсизлик юз йил оша-да халқимиз ҳаётдан узоқлашгани йўқ. Бугун ҳам маърифатни юксалтириш сари эзгу ҳаракатлар, серҳашам қадри-

ятларимизни тугатишга қаратилган қақриқлар, миллий бериқ ва мафкураимизни шакллантириш жараёнлари айни газета-журналлар воситасида ёйилмоқда. ИБТдосига ҳамоҳанг бугунги ўзбек матбуоти ҳам миллатнинг эски ёт қусурларига қарши курашиб келмоқда.

Қўринадими, матбуот-газета юқори ижтимоий таъсир кучига эга экан. Юз йил аввал миллат раванга йўлида яратилган миллий газетачилигимиз бугун ҳам долзарб, аслида. Шахсан ўзим ҳам бевосита бугунги даврий нашрларни кузатиб бораман. Ахборот олишинг анъанавий усули бўлган газеталар миллатнинг юзи ҳисобланади.

Мен барча юртдошларимизни газетаяга обуна бўлишга чорлаб қоламан!..



Салоҳиддин САТТОРОВ,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси
бошлиғи:

ЖУРНАЛИСТИКА ГАЗЕТАДАН БОШЛанаДИ

— 27 ИЮНЬ санасини мана неча йиллардирки, журналистлар байрам қилиб келади. Нега айнан 27 июнь матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунни сифатида нишонланишини эса соҳа вакилларидан бошқалар билмас керак. Мен бу сана тарихи газеталар билан боғлиқлиги ҳақида ўқиб қолдим. 1906 йилда нашр этилган “Тараққий” газетаси том маънода биринчи миллий нашримиз бўлган экан. Мазкур газетада Чор Россиясининг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсати фелъетонлар ва кучли мақолалар орқали дадил танқид қилинган. Тан олиш керак, журналистика газетадан бошланган. Ва, яна шунчи ҳам айтиш керакики, ҳозир ҳам ҳақиқий журналистикани газеталарда кўриш мумкин. Телевидение, радио ва интернет нашрларини четламаган ҳолда айтишни истардимки, газеталарда барбир масала моҳиятига чуқур ёндашув, эркин ва чегараланмаган таҳлил бор. Уйлашимча, газета хато қилишдан қўрқади. Қайси маънода? Айтилик, импловий матбуотда жиддий

эътибор беради, исботланмаган, асосли бўлмаган фактларни имкон қадар бермасликка ҳаракат қилади. Буларни нима учун айтаяпман? Бу ерда халқимизнинг саводи ва маънавияти масаласи турибди. Ҳеч нимадан қўрмайдиган ва чек-чегарани билмайдиган интернет бугун одамлар савиясини қай томонга бошлаб кетаётганини кўриб турибмиз. Бугун газетанинг ўз ўқувчилари бор, албатта. Аммо назаримда, бу ўқувчилар сафини янада кенгайтиришимиз керак. Бу халқимизнинг маънавияти, савияси юқори бўлиши учун ҳам жуда зарур.

Ҳар бир соҳа вакили ўз нашини қўллаш керак, деб ҳисоблайман. Токи ўз сўзини, фикрларини, тадқиқотларини ўз наши орқали айтсин. Шунда нашрлар ҳам, ўша соҳа ҳам яхши ривож топади.

Биз адлия наши “Инсон ва қонун” ни ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз. Фаолиятимиз ва бошқа масалалардаги энг яхши маълумотларни газетадан оламиз. Бу бизнинг нашинимиз!



Ойбек МАШАРИПОВ,
Хоразм вилоят адлия бошқармаси
бошлиғи:

КЕРАКЛИ ЮКНИНГ ОФИРИ ЙЎҚ!

— БУГУНГИ тезкор тараққийёт инсонларга қўллаб талабларни қўймоқда. Айниқса, фан-техника, интернет ва медиа муҳит ривожлана бораётган бир замонда, жамиятда яшовчи шахсларнинг дунёқарши ҳамда яшаш тарзи ҳам ўзгариб бораёпти. Негаки, кундан-кунга “интернетга тобелик” қўллаб ёшларимизни, жамийки замондошларимизни, қолаверса, тан олиш керакики оила аъзоларимизни ҳам қамраб олди. Катта одамлардан тортиб муштдек болаларгача интернетни билмаган кимса йўқ. Кўпчилик наздида интернет ҳақиқий билим манбаи бўлиб қўриноқмоқда. Лекин аслида ҳам шундаймикан? Уйлашимча, ундай эмас!

Аччиқ бир ҳақиқатни айтиш жоизки, интернет ҳумқорн бўлган пайтдан бошлаб, асл билимнинг ўчоғи бўлган босма нашрлар, яъни газета, журнал ва китобга бўлган интилиш жуда сусайиб кетди. Аслини олганда рўй бераётган ушбу вазият тўғрисида? Мутулаадан олислашиб, маънавийсизликка яқинлашмаяпмизми? Галнинг индаллоси мутулаа ҳақида борар экан, аввало, газета ва журналларнинг ўқишлилиқ даражаси

ҳақида фикр юритсам. Айни шу мавзуда ёшларнинг фикри билан қизиққаннимизда, кимдир “газета ўқишга вақтим йўқ, барча маълумотлар интернетда бор-ку” деса, яна баъзилар ўқишдан кўра эшитиш ва томоша қилиш афзал эканини айтишган. Кўпчилик ижтимоий тармоқ ва мобил алоқа воситаларига боғланиб қолганини ҳам тан олиб ўтишди. Лекин газета билан интернет орасидаги тафовут анча катта. Газетадаги материаллар таҳлилий ёзилганлиги билан қизиқарли. Айниқса, “Инсон ва қонун”даги “Қонунчиликдаги янгиликлар” руқни остида берилаётган қонунларга шарҳлар мазмундорлиги, содда ва тушунарли тилда баён этилаётгани оддий ўқувчида ҳам қизиқиш уйғотади. Газетанинг нафақат бу руқни, балки “Жиноят ва жазо” каби руқлари ҳам барча қонун ҳимоячиларига манзур келмоқда, десам адашмайман. “Ҳа обуна бўлиб тўғри иш қилган эканмиз”, дея хурсанд бўлдим. Айтишадик-ку, “Керакли юкнинг оғири йўқ”, деб. Демак, ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс бўладими, мазмуни ва ҳаммабон газеталарни ўқиши ва обуна бўлиши керак.



Жамшидхон НУРИТДИНОВ,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси
бошлиғи:

МАТБУОТДА МАСЪУЛИЯТ КУЧЛИ

— ЯПОНИЯЛИКЛАР кунни қандай бошлашини биласизми? Улар тонгни бир финжон иссиқ қаҳва ичиб, ҳали босма-хона ҳовури кўтарилмаган илқ газетани варақлашдан бошлар экан. Эътибор қилинг-а, айнан қозғ кўринишидаги матбуотни кузатишди. Дунёни ўзининг бренд электроникалари билан ҳайратга солиб келаётган бу давлат аҳолиси нега айнан газетани танлар экан? Саволга жавоб битта. Чунки газета маърифат тарқатади. У миллиятни зиёли қилишга ўз ҳиссасини қўшади. Матбуотда айтилган сўз таъсир кучига эга. Газета чоп этилган, ундаги бирон жумлани кейинчалик ўзгартириб бўлмайди. Шу сабабли матбуотдаги ҳар бир

сўзнинг масъулияти бор, юки бор.

Қолаверса, йиллар ўтиб бугунги кун руқини ҳам айнан матбуот орқали билиш мумкин. Кутубхоналарда махсус ҳароратда сақланиб келаётган газета таҳлиллари бизга тарихдан гувоҳлик беради. Қанчадан-қанча илмий ишлар шулар асосида ёзилади.

Матбуотни электрон нашрлар билан қиёслашдан йироқман. Аммо бир гапни айтмасам бўлмайди. Ишончлилиқ, холислик нуқтаи назаридан матбуотнинг ўрнини ҳеч бир ОАВ босолмайди. Айтмоқчиманки, матбуот ҳеч қачон “ўлмайди”.



Ақтам МУҲАММАДИЕВ,
Тошкент вилоят адлия бошқармаси
бошлиғи:

МЕН НИМА УЧУН “ИНСОН ВА ҚОНУН” ГАЗЕТАСINI ЎҚИЙМАН?

— БУ саволга ҳеч иккиланмай, энг аввало, маънавий озуқа ва маданий хордиқ олиш, фуқароларимиз ҳаёти, муаммолари ҳамда уларни қизиқтирган масалалар билан янада яқинроқ танишиш, шунингдек, юртимизнинг ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий соҳаларидаги янгиликлардан хабардор бўлиш учун, деб жавоб бераман. Шу ўринда айтиш жоизки, ҳар биримиз ҳар кунни кузатиб борадиган деярли барча электрон нашрларда қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий атамаларнинг нотўғри ёзилиши кўп учрайди, грамматик, орфографик хатоларни-ку айтмасам ҳам бўлади. Айримларида эса хабар ва воқеалар ноҳолис, чуқур ўрганилмаддан юзаси тафсилотлар асосида берилаётганлиги эса янада ачинарли. Бундай ҳолатлар ўқувчиларни саводсиз қилиб қўйиши турган гап.

Вақт саракани саракка, пучакни пучакка ажратади деганларидек, бугунги кунда ОАВлари орасида босма нашрларнинг ну-

фузи ва ўқувчилари сони янада ортиб бораётганлиги қувончли ҳол. Бу бежиз эмас, албатта. Босма ОАВ ўзининг вазминлиги, масъулиятни ҳис эта билиш ва холислиги билан эътиборга моликдир. Хусусан, “Инсон ва қонун” газетаси руқларининг хилма-хиллиги ва мавзуларнинг долзарблиги билан ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга, деб биламан. Газетада ёритилаётган таҳлилий мақолаларни оила даврасида, ўқув муассасаларида, маҳалла йиғинларида муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир. Барча давлат ҳамда нодавлат муассасалари ва ташкилотларининг мутасадди ходимлари, талаба ёшлар, ишчи, хизматчилари, қўйинги, барча ҳамюртларимизга “Инсон ва қонун” газетасини узлуксиз ўқиб боришларини тавсия қиламан. Бу ҳар бир инсон қонинлиги учун зарур бўлган ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятни оширишнинг энг қулай ва энг мақбул шартидир.



Баҳурullo ҲАСАНОВ,
Фарғона вилоят адлия бошқармаси
бошлиғи:

ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ БУЛОғИ

— МЕН талабалик давримдаёқ “Инсон ва қонун” ҳуқуқий газетасининг ўқувчисига айланганман. Шундан буён уни ўзимнинг яқин маслақдошим ҳамда ҳамкорим, деб биламан.

Албатта, Адлия вазирлиги муассислигида 23 йилдан буён чоп этилаётган мазкур газета мамлакатимиз истиқлолининг дастлабки ҳуқуқий нашрларидан бири саналади. Кимдир газетани ўқиб ҳуқуқий маслаҳат, маънавий озуқа олса, яна кимдир қонунчиликка оид тақлиф ва мулоҳазаларини ўз мақоласи орқали юртдошларимизга тўхфа этиши мумкин. “Инсон ва қонун” аралашуви билан ёки унинг ёрдами туфайли ҳуқуқ ва эркинликлар тикланган, муаммолари ечим топган фуқароларимизнинг эса саногой йўқ. Натихада тахририятда республикаимизнинг бошқа ҳуқуқий нашрлари ибрат олса

арзигулик мактаб яратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, газетхонлар адлия ва прокуратура органлари ходимларининг, судьялар, адвокатлари, нотариуслар ва ФХД бўлимларининг мақолалари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича хорижий давлатлар тажрибасига оид таҳлилий материалларини ҳар бир сонда оряқиб кутишади. Бир сўз билан айтганда, “Инсон ва қонун”, дея аталмиш ҳуқуқий маърифат булоғи ҳамон илмга ташна қалбларни зиё ёғдуси билан тўлдириб келмоқда. Бинобарин, унинг кўп минг сонли ўқувчиларини келгуси 2020 йил учун ҳам обуна бўлишга чақириб қоламан. Қолаверса, обуначилар сафи янада кенгайишига тилақдошман. Зеро, юртдошларимизнинг унга нисбатан бўлган қизиқиши асло сўнмасин!



Ақбар АБРАЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси
бошлиғи:

РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ГАЗЕТХОНЛИКДА БИР ҚАДАМ ОЛДИНДА

— БУГУНГИ техник тараққийёт ва глобаллашув жараёни ғаразли кучларнинг инсон мафқураси учун курашида қўл келмоқда. Айрим электрон тармоқлар, айниқса, ёшлар маънавиятига ва руҳиятига қайсидир маънода жиддий ваф тугдираётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли, инсон тафаккури китобга интиляпти, босма нашрларга тобора кўпроқ эътиҳ сезилапти. Бу борада энг ривожланган Европа давлатлари бир қадам олдинда эканлиги бежиз эмас, албатта. Зеро, жонли мутулаа нафақат ақлни чархлабгина қолмай, инсон руҳиятини электрон ахборотнинг тийқиқсиз тазийқларидан ҳимоя қилади. Руҳиятига дам беради, онгу шуурига дунёвий ва маънавий билимини яхши сингдиради. Хусусан, инглизлар, шведлар, америкалик ва японияликлар алақачон, электрон ахборот воситаларининг барча турларидан воз кечишган. Улар кунни босма нашрлар

мутулааси билан бошлашади, мамлакат ва дунё янгиликларидан газета орқали бохабар бўлишни афзал кўришади. Кўпгина зиёли ҳамюртларимиз эса газета ва китобсиз маънавий хордиқни тасаввур қилишолмайди.

Шахши хулосамдан келиб чиққан ҳолда, “Инсон ва қонун” газетасини жамиятимизнинг барча ёшдаги қатламига тавсия қилган бўлардим. Чунки “Инсон ва қонун” ўз ўқувчиларига ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий озуқа бера оладиган республикаимизнинг санокли нашрларидан биридир. Юртимизнинг ҳар бир хонадонига бу газетанинг қилиб бориши муқаррар, ёшу қарининг қалбига зиё улашиб, дунёқарашини кенгайтиради. Ишонч билан айта оламанки, “Инсон ва қонун” газетаси орқали ҳар бир ўқувчи ҳаётининг ҳар бир жабҳаларида учраб турадиган муаммоларига ечим, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб топади.

КОРРУПЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТГА ТАҲДИД

КОРРУПЦИЯ муаммоси ва унга қарши кураш масаласи ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки бу иллатнинг кенг қулоқ ёйиши ўта салбий оқибатларга олиб келади. Коррупция, хусусан, демократик жараёнларнинг амалга ошишига тўсқинлик қилади, иқтисодий ривожланишнинг секинлашиши, кадрлар сифатининг пасайиши ва оқибатда барча соҳаларнинг оқсашига, уюшган жиноятчиликнинг илдиришига, ҳукуматга бўлган ишонч йўқолиши ва ижтимоий-сиёсий беқарорликка сабаб бўлади.

Шунинг учун порахўрликка қарши ҳар бир давлат ўз ҳолича курашиб келади ва қайсидир давлатда коррупцияга деярли барҳам берилган бўлса, яна қаердадир бу иллат "гуллаб-яшнаш" да давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июлда БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенциясига, 2010 йил март ойда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябрь) қўшилган. Шунингдек, Олий Мақлис томонидан Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги битими (Москва, 2011 йил 16 июнь) 2011 йил 13 декабрда ратификация қилинган.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл

қўймастик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур" лигина қайта-қайта уқтирмақда. Шу мақсадда Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ишлаб чиқилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир фуқаро жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим.

Дилшод АШУРОВ,
Самарқанд шаҳар 8-сон давлат
нотариал идораси нотариуси

Уй ҳайвонларига паспорт нимага керак?

Сўнги кунларда ижтимоий тармоқларда "Ўзбекистонда ҳайвонларга паспорт берилди ва бунинг учун тўлов ундирилади" деган хабар анча шов-шувга сабаб бўлмоқда. Гап Ҳайвонларнинг эгаларидан идентификация қилиш хизматлари учун ундирилган тўловлар миқдори ва шартлари тўғрисидаги низом ҳақида кетмоқда.

Тушунмовчиликларнинг олдини олиш учун масаланинг қатор жиҳатларига ойдинлик киритиш эҳтиёжи туғилди.

Масаланинг тарихи

Аслида ҳайвонларга биркалаш, тамғалаш, жетонлаш ва чип ўрнатиш орқали индивидуал рақам бериш ва ветеринария паспорти расмийлаштириш тартиби бирмунча аввал – Вазирлар Маҳкамасининг

2017 йил 22 сентябрдаги махсус қарори билан жорий қилинган. Унда айтилишича:

Сақланаётган (боқилаётган) ҳар бир бош ҳайвонга ветеринария паспорти расмийлаштирилади (қўй ва эчкиларга гуруҳ усулида ветеринария паспорти расмийлаштирилиши мумкин).

Ушандан бери Республика Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан 82 мингдан ортиқ чорва моллари идентификациядан ўтказилганлиги маълум. Эндиликда ушбу идентификация учун тўловлар жорий этиш ҳақидаги ҳужжат чиқди ва масала яна кун тартибига кўтарилди.

Ветеринария паспорти нима?

Кўпчилик ҳайвонларнинг паспортини одамларникидек бўлади деб ўйлаяпти. Аслида ветеринария паспорти ижтимоий тармоқларда кўпгина олинмаётган, ҳайвоннинг шахсини, пропискасини ва фуқаролик ҳолатини тасдиқловчи ҳужжат эмас.

Ветеринария паспорти – бу ҳайвоннинг идентификация рақами, унинг эгаси, ҳайвонларнинг касалликларга қарши эмланганлиги, даволаш ишлари тўғрисидаги маълумотлар қайд этиб бориладиган ҳужжат.

Ҳайвонларга паспорт нимага керак?

Ит, мушук каби уй ҳайвонлари учун идентификациялаш тартиби аввалдан мавжуд ва бу асосан улар тарқатиши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олиш учун қилиниши кўпчиликка тушунарли. Асосий саволлар чорва моллари хусусида бўлмоқда. Шу сабабли нима учун қўй, мол, чўчка, эшак каби ҳайвонлар идентификацияланганини тушунтираемиз. Ҳозир ижтимоий тармоқларда турли мейлар ва ҳажвлар нишонига айланган бу тартибнинг тағдида аслида жиддий асослар бор.

1. Озиқ-овқат хавфсизлиги. Ҳар бир уй ҳайвонини назоратга олиш, унинг саломатлик картасини юритиш орқали озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади. Гўшт-сут маҳсулотлари, ўзингиз биласиз, тирик организмдан олинади. Организм эса турли касалликлар юктириши, ўзида ташиши ва тарқатиши мумкин.

Эндиликда ҳар бир чорва моли туғилганидан кейин маълум муддат ўтгач ветеринария рўйхати га олинади, унинг қандай касалликларга чалинган, қачон эмланган, қачон сўйилиши мумкинлиги қайд этиб борилади. Масалан, қорамолларга турли сабабларга қўра антибиотик қилинган бўлиши мумкин. Антибиотик олган молнинг гўшти маълум муддатга истеъмолга яроқсиз бўлади, яъни уни сўймай туриш керак. Бизда ҳозир шу тартибга амал қилинганми? Қаердан билаемиз: кечанга кучли антибиотик олган мол гўштини истеъмол қилаётган бўлсаки-чи? Бу гўштни ҳомилдор ёки эмизикли аёллар, антибиотик мумкин бўлмаган касаллар ҳам ейиши мумкин.

Қолаверса, энди эшак гўштини молники деб сотиш мумкин бўлмайди. Дастурхонимизга келаётган ҳар бир тишлам гўшнинг "тарихи" маълум бўлади.

2. Жаҳон стандартлари. Биз жаҳон бозорига чорва маҳсулотлари экспорти ҳақида ҳам ўйлар эканмиз, халқаро стандартлар талабини ҳам бажаришимиз керак. Халқаро бозор эса рўйхатга олинмаган, келиб чиқиши номаълум чорвадан олинган маҳсулотларни қабул қилмайди. Ҳозирда қатор халқаро ташкилотлар юртимизда чорва моллари идентификациясини ўтказиш учун грантлар ажратмоқда. Ушбу грантларни ажратилган мақсадлардан бири ҳам айнан жаҳон озиқ-овқат бозорининг хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

3. Эпизоотик муҳитни назорат қилиш. Идентификациялаш ҳайвонларни касалликларга қарши эмланганлигини тасдиқлаш, ҳайвонларнинг аниқ ҳисобини юритиш ва идентификация қилинган ҳайвонлар тўғрисида ягона маълумотлар базасини шакллантириш учун зарур. Бу орқали ҳайвонлар орасида тарқалиши мумкин бўлган эпидемиялар назоратга олинади. Қолаверса, идентификация қилиш ҳайвонларни турли касалликларга қарши эмлашда давлат томонидан берилмаётган вакциналардан самарали фойдаланишга олиб келади ва уларнинг талон-тарож қилинишининг олдини олади.

4. Чорва молларига эгалик ҳуқуқини расмийлаштириш. Ҳар бир молнинг бирон жойига тамга босиш ва шу тамга асосида уни эгасига расмийлаштириб қўйиш орқали, биринчидан, моллар ўғирланишининг олди олинади. Иккинчидан, қорамол орқали турли спекуляциялар қилишга йўл қўйилмайди. Масалан, фермерларга ҳар бир қорамол учун маълум миқдорда ер берилди. Ҳозир фермерларда, назарий жиҳатдан, қўни-қўшниси ёки қўшни фермадаги молларни ўзиники қилиб кўрсатиб, кўпроқ ер ижарага олиши имкони бор. Чорва моллари рўйхатга олиниб, ягона электрон реестрга киритилгач, бу имконият йўққа чиқади.

5. Чорва моллари реал миқдорини аниқлаш ва ҳисобини юритиш. Бозорда гўшт-сут маҳсулотлари нархи реал талаб ва тақдир асосида шаклланиши лозим. Эндиликда спекулятив қўра схемалар орқали талаб-тақдир мувозанатини издан чиқариш ва махсулот нархини сунъий ошириб юбориш ҳолатларининг олди олинади. Масалан, талаб кам, гўшт нархи шунинг учун баланд дейилса, буни реал рақамлар орқали аниқлаш, тасдиқлаш ё инкор этиш имкони мавжуд бўлади.

Идентификация қилиш тартиби қандай?

Ҳайвон эгалари ҳайвон туғилгандан маълум муддат ўтгач доимий яшаш жойидаги ветеринария хизматининг вакилига мурожаат қилиши лозим. Ҳар бир ҳайвон турига бу муддат уларнинг туғилгандан кейин яшаб қолиши тенденциясини ҳисобга олган ҳолда алоҳида белгиланган. Масалан, қорамол, қўй ва эчкилар, туяларнинг болалари – 14 кунлигидан, қулунлар ва ҳўтиқлар – 4 ойлигидан рўйхатга олинади.

Идентификация қилиш учун ҳайвонларни ветеринария бўлимларига олиб бориш керакми?

Шарт эмас. Ветеринария хизмати вакилининг ўзи ариза келиб тушгандан сўн 3 кун ичида жойига бориб ҳайвонларни идентификация қилади (тўлов аслида шунинг учун ундирилган). Ҳайвон эгасининг хоҳишига қўра, ит ва мушуклар ихтиёрий равишда ветеринария бўлимларига олиб борилиши мумкин.

Ҳозирда ҳайвонларни рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилган усулини жорий этиш ҳамда бу соҳага инновацияларни жалб қилиш устида иш олиб борилмоқда. Яқин даврда махсус дастур ва иловалар ишлаб чиқилади. Чорва эгаси ўз қора-



Уй ҳайвонларини идентификациялашга оид

5 САВОЛГА 5 ЖАВОБ

- 1

ВЕТЕРИНАРИЯ ПАСПОРТИ НИМА?

Ҳайвоннинг идентификация рақами, эгаси, касаллик тарихи тўғрисидаги маълумотлар қайд этиб борилган ҳужжат.
- 2

ҲАЙВОНЛАРГА ПАСПОРТ ОЛИШ МАЖБУРИЙМИ?

Ҳа, мажбурий. Ушбу шартни бажармаслик тегишли жавобгарликка олиб келади.
- 3


ПАСПОРТ ҲАР БИР БОШ ҲАЙВОНГА ОЛИНАДИМИ?

Ҳар бир бош ҳайвонга ветеринария паспорти расмийлаштирилади (қўй ва эчкиларга гуруҳ усулида ветеринария паспорти расмийлаштирилиши мумкин).
- 4

ПАСПОРТ ОЛИШ УЧУН ҲАЙВОНЛАРНИ ВЕТЕРИНАРИЯ БЎЛИМЛАРИГА ОЛИБ БОРИШ КЕРАКМИ?

Шарт эмас. Ариза берилгач, 3 кун ичида мутахассис ўзи келади.
- 5

ИДЕНТИФИКАЦИЯ УЧУН ҚАНЧА ПУЛ ТЎЛАНАДИ?



қорамол, от, эшак
ва туялар учун –
4 460 сўм



қўй, эчки ва
чўчкалар учун –
3 345 сўм



ит ва мушуклар
учун –
2 230 сўм

(ҳар бир бош учун)

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: уй ҳайвонларига паспорт бериш тизими 2017 йил 22 сентябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан жорий қилинган.

молни қўлидаги смартфон ёки компьютер орқали рўйхатдан ўтказиши ва тўловни амалга ошириши мумкин бўлади.

Ҳайвонларни идентификация қилиш мажбурийми?

Қорамоллар, қўй ва эчкилар, чўчкалар, отлар, эшаклар ва туялар, итлар ва мушукларни идентификация қилиш шарт. Ушбу шартни бажармаслик ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш ҳисобланади ва тегишли жавобгарликка олиб келади.

Бу одамларнинг мулкни назоратга олиш учун қилинганми?

Бундай хавотирга ўрин йўқ. Чунки уй ҳайвонларидан мулк солиғи олинмайди. Уларнинг сонини назоратга олишдан давлат казнасига ҳеч қандай солиқ ёки бошқа манфаатлар йўқ.

Идентификация қилинган ҳайвонлар сотилса ва ҳада этилса нима бўлади?

Ҳайвонни сотиб олган одам доимий яшаш жойидаги ветеринария хизмати орқали 7 кун ичида ҳайвонни ҳисобга қўйдилади. Бунда ҳайвон янгидан идентификация қилинмайди ёки янги паспорт берилмайди. Эски паспортга тегишли ёзув киритилади ва масъул ходим томонидан тасдиқланади.

Ҳайвонларнинг эгаларидан идентификация қилиш хизматлари учун тўлов ундириладими?

Ҳа ундирилади. Аммо катта миқдордаги сумма эмас. Ҳайвонларни идентификация қилиш хизматлари учун қуйидаги миқдорларда тўлов ундирилади:

- ҳар бир қорамол, от, эшак ва туялар учун – 4 460 сўм;
- ҳар бир қўй, эчки ва чўчкалар учун – 3 345 сўм;
- ҳар бир ит ва мушуклар учун – 2 230 сўм.

Ҳозирда мамлакатимизда мавжуд чорва молларининг фақат 5 фоизи фермерлар қўлида, қолган 95 фоизи эса аҳолида. Шундай шaroитда ушбу чорва-тадбирларни вақтида ва тўғри амалга ошириш учун аҳолининг онгли ёрдами ва хайрхоҳлиги катта аҳамиятга эга. Чунки булар лўқмамиз ҳалоллиги, наслимиз соғломлиги учун қилинаётган тадбирлар сирасига кирди.

Шаҳноза ТўРАХЎЖАЕВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Адлиядан янги ташаббус:

ЭНДИ ХУҚУҚИЙ МАДАДГА МУҲТОЖ БЎЛМАЙСИЗ.

Чунки...

“МАДАД” ХУДУДЛАРДА ҲАМ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИМИ?

Этиборли жиҳати муассаса нафақат марказда, балки республикамизнинг 14 та ҳудудидаги бўлинмалари, шу билан бирга, туман (шаҳар)ларда фаолияти йўлга қўйилган ҳуқуқий маслаҳат бюралари орқали ҳам хизмат кўрсатади.

“МАДАД”НИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ НИМАДАН ИБОРАТ?

Шу ўринда “Мадад”нинг асосий вазифалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак.

Биринчидан, муассаса фуқароларга ҳуқуқий масалалар бўйича он-лайн маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш йўли билан бирламчи бепул юридик ёрдам кўрсатади; иккинчидан, кўнгиллиларни,

яъни волонтерларни жалб этган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий соҳадаги ўзгаришлар билан уйғун равишда ошириб боради; учинчидан, фуқаролар томонидан ҳуқуқий маслаҳат беришга оид сўровларни таҳлил қилиб боради. Таҳлил натижаси бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади; тўртинчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда инновацион усуллар, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларини амалиётга татбиқ этади; бешинчидан, “Advice.uz” (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот порталини мунтазам равишда юритади ва янгилаб боради.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, жорий йилнинг 25 апрель куни

Адлия вазирлиги томонидан Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликдаги лойиҳаси — “Advice.uz” (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот портали ишга туширилган эди. Мазкур портал Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганлар ҳам он-лайн режимда бепул ҳуқуқий маслаҳат олишлари имкониятини яратди.

Сайтга жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган асосий ҳуқуқий масалалар бўйича 1000 дан ортиқ контентлар жойлаштирилган.

Сайт мундарижасини тузишда ўтказилган ижтимоий сўровлар, тадқиқотлар ва қузатувлар натижаларига таянилди.

Контентларнинг мазмуну аниқ ва мақсадли, тили содда ва тушунарли, сайтга фойдаланувчилар учун қўлай шаклда жойлаштирилган.

Сайтдаги маълумотлар ўзбек ва

рус тилларида берилган. Шунингдек, сайтда махсус “Чет элликларга эслатма” бўлими мавжуд бўлиб, ушбу бўлим орқали чет эл фуқаролари Ўзбекистонга келиш, кетиш, бўлиш, яшаш тартиби ҳақидаги ҳуқуқий маълумотлар билан араб, хитой, рус, инглиз, испан, француз тилларида танишиш мумкин.

Яна бир афзаллиги. Сайт фойдаланувчилари он-лайн режимда савол бериб, жавоб олишлари мумкин бўлган он-лайн мулоқот тизими йўлга қўйилган.

Мазкур тизим орқали ҳозирги кунга қадар 5 мингга яқин фойдаланувчидан 10 мингдан ортиқ ҳуқуқий саволлар берилган. Бундан ташқари, тизимнинг оффлайн мулоқот саҳифаси орқали 1802 та ҳуқуқий савол келиб тушган.

Саволларнинг 36 фоизи (ишга жойлашиш, меҳнат тазтиллари, ишдан бўшаш, жамоа шартномалари ва ҳ.к) меҳнат муносабатларига тааллуқли. Бундан ташқари, 28 фоиз саволлар ижтимоий таъминот (пенсия, нафақа, моддий ёрдам ва ҳ.к)га тааллуқли. Таълим (18 фоиз), уй-жой (12 фоиз) соҳасидаги саволларнинг улуши ҳам каттагина. Қолган йўналишларда келиб тушган саволлар умумий саволлар ҳажмининг 6 фоизини ташкил этади.

Ҳозирда он-лайн-мулоқот тизими модернизация қилиш масаласида иш олиб борилмоқда. Модернизациядан кейин муносабат этувчиларнинг жинси, ёши, ҳудуди каби муҳим стратегик йўналишларда ҳам статистикани шакллантириш имкони бўлади.

Рақамлар нима дейди?..

Бугунги кунда “Advice.uz” (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот порталидан 40 мингдан ортиқ фуқаролар фойдаланишган. Уларнинг 140 нафардан ортиги чет эл фуқаролари.

Бир сўз билан айтганда...

Демак, ушбу эзгу ишларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган “Мадад” муассасаси фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда уларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш, асосийси, аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатишда ўз номига мос равишда кўмакчи, таянч бўлиб бўлиб хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий мадад — ҳақиқий кўмакчингиз бўлади!

Адлия вазирлиги

Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ МАМЛАКАТИМИЗ СУД ТИЗИМИДА ЯНА БИР ТАРИХИЙ ВОҚЕА

2019 йил 4 сентябрь куни Президентимиз Қарори билан мамлакатимиз тарихида илк бор ташкил этилган Судьялар олий мактабида 2019/2020 ўқув йили учун бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича ўқув курсининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходимлари, сенаторлар, депутатлар, тегишли масъул ташкилотлар раҳбарлари, юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муассасалари мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.



Убайдулла МИНГБОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси:

— Ҳаммамиз яхши биламизки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлашда адолатли, мустақил суд ҳокимияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда том маънодаги суд-ҳуқуқ ислохотлари ўтказилди. Мана шундай кенг қўламли ислохотларнинг амалий натижаларидан бири, мамлакатимиз тарихида илк бор ташкил этилган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабидир.

Бугун сиз билан биз бевосита гўвоҳи бўлиб турганимиз Судьялар олий мактабнинг 2019-2020 ўқув йили учун биринчи бор бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича ўқув курсининг тантанали очилиши ҳеч муболағасиз мамлакатимиз суд тизими ҳаётидаги тарихий воқелиқдир.

Судьялар олий мактабининг ташкил этишдан қўланган асосий мақсад, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш орқали бугунги кун талабига тўла жавоб бера оладиган юксак салоҳиятли, профессионал ва етук судьялик корпусини шакллантиришга кўмаклашидир.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тўқдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқиниш мўваффақиятли тамомлаган шахсларгина тайинланиши белгилаб қўйилди.

“2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончи ҳимояси кафолатларини кучайтириш ва

Фазилдин ИШОНХАДЖАЕВ, Судьялар олий мактаби магистратураси тингловчиси:

— Жорий йилнинг август ойида 2019-2020 ўқув йили учун магистратурага шаффоф ва холисона кириш синовлари ўтказилди. Дастлаб иншо ёзган бўлсак, кейин тест синовларидан ўтдик. Мана шу имтиҳонлардан мўваффақиятли ўтган 60 нафар талабгорнинг ичида мен ҳам тингловчи бўлиш шарафига мўяссар бўлдим. Бундан жудда фخرланаман, шу билан бирга, биз илк тингловчилар олдида давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган муҳим вазифа, бугунги кун талабларига жавоб берадиган, салоҳиятли судья бўлиб етишиш каби масъулият турганини ҳам ҳис қилаётиман. Мана шу бир йил давомида Судьялар олий мактабиде бериладиган дарслардан жудда унумли фойдаланишимиз шарт, деб ҳисоблайман.

Биз бугун гўвоҳи бўлиб турибмизки, ўқув жараёнига иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услублари татбиқ этилган.

Ривожланган давлатларнинг судьялар тайёрлаш таълим муассасалари билан интернет тармоғи орқали он-лайн тарзда мулоқот олиб бориш ва уларнинг электрон ўқув адабиётлардан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Ўқув аудиториялари бунга мос равишда энг ривожланган ахборот коммуникация воситалари билан жиҳозланган.

одил судловга эришиш даражасини оширишни асосий устувор йўналиш сифатида белгилаб, моҳиятан ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилганлигини кўрсатади.

Ушбу ҳужжатларга мўвофиқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судьялик касбининг нуфузини ошириш, юқори малакали ва самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида биринчи марта судьялик ваколатлари мўддатлари қайта кўриб чиқилди. Судьялик лавозимига тайинлашнинг биринчи беш йиллик, кейинги ўн йиллик ва мўддатсиз даврга лавозимда бўлишни назарда тутувчи тартиб киритилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 13 июнда судьялар билан бўлиб ўтган тарихий учрашувдаги

Дилбар ХАЙРУЛЛАЕВА, Судьялар олий мактаби магистратураси тингловчиси:

— Жорий йилнинг август ойида 2019-2020 ўқув йили учун магистратурага шаффоф ва холисона кириш синовлари ўтказилди. Дастлаб иншо ёзган бўлсак, кейин тест синовларидан ўтдик. Мана шу имтиҳонлардан мўваффақиятли ўтган 60 нафар талабгорнинг ичида мен ҳам тингловчи бўлиш шарафига мўяссар бўлдим. Бундан жудда фخرланаман, шу билан бирга, биз илк тингловчилар олдида давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган муҳим вазифа, бугунги кун талабларига жавоб берадиган, салоҳиятли судья бўлиб етишиш каби масъулият турганини ҳам ҳис қилаётиман. Мана шу бир йил давомида Судьялар олий мактабиде бериладиган дарслардан жудда унумли фойдаланишимиз шарт, деб ҳисоблайман.

Биз бугун гўвоҳи бўлиб турибмизки, ўқув жараёнига иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услублари татбиқ этилган.

Ривожланган давлатларнинг судьялар тайёрлаш таълим муассасалари билан интернет тармоғи орқали он-лайн тарзда мулоқот олиб бориш ва уларнинг электрон ўқув адабиётлардан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Ўқув аудиториялари бунга мос равишда энг ривожланган ахборот коммуникация воситалари билан жиҳозланган.

маърузасида суд тизимининг бугунги кундаги аҳоли, ундаги камчиликлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтиб, суд тизимидеги мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳар қандай вазиятда ҳам одил судловни таъминлаш ва адолатни қарор топтиришга қодир, мустаҳкам иродали, юксак маънавий ва касбий фазилатларга эга бўлган судьялар таркибининг шакллантириш, судьяликка номзодларни тайёрлаш ва амалдаги судьялар малакасини оширишга ихтисослашган алоҳида ўқув муассасасини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш бўйича вазифаларни белгилаб берган эди.

Ушбу таълим муассасаси давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган мана шу вазифаларнинг ижросини таъминлаш шубҳасиз.



Илҳом НАСРИЕВ, Судьялар олий мактаби кафедра мудири, юридик фанлар доктори, профессор:

— Судьялар олий мактаби олдида мамлакатда судьялар корпусини тайёрлашнинг ягона тизимини ташкил этиш, юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқот, вақтни бошқариш, музокаралар олиб бориш, ахборотлар билан ишлаш технологиялари, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий ва амалий кўникмаларга эга, мустақил фикрловчи, қатъиятли, жасур ва ҳалол судья ва суд ходимларини тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимиз тарихида илк бор ташкил этилган мазкур давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича илк бор судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, давомийлиги икки ой бўлган, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш ва давомийлиги икки ҳафтадан кам бўлмаган, судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини ошириш ишларини ташкил этади.



Малика ҚАЛАНДАРОВА, Судьялар олий мактаби кафедра мудири, юридик фанлар номзоди:

— Алоҳида таъкидлаш лозимки, малакали кадрлар суд-ҳуқуқ соҳасида амалга ошириладиган ислохотларни мўваффақиятли амалга оширишда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, адолатли судьялик қарорларини қабул қилиш гарови ҳисобланади.

Шунинг учун, судьялар корпусини юқори билим ва салоҳиятга, етарли тажриба ва кўникмага, юксак маънавий-ахлоқий фазилатга эга юридик кадрлар, жумладан, биринчи навбатда, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида намунали фаолият юритаётган ходимлар ҳисобидан шакллантирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий мактабда тингловчиларга илгор инновацион педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерфаол ўқитиш услублари асосида таълим берилади.

Олий мактаб магистратурасини тамомлаган судьяликка номзодлар келгусида юксак маънавий-ахлоқий фазилатга, етарли ҳаётий тажрибага, мустақил фикрлаш, энг муҳими, ўзи қабул қилган қарор учун жавобгарликни ўзига олиш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар бўлиб етишиши лозим.

Бунинг учун биз ўқитувчилар ўз устимизда тинмай изланишимиз лозим, деб биламан. Бугун ривожланган демократик мамлакатларнинг судьялар тайёрлаш тизимини ҳам чуқур ўрганишимиз лозим.

• Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

НОЛЕГАЛ ДАРОМАД ОРТИДАН ҚУВАЁТГАНЛАР ҚОНУН “НИГОҲИ” ДАН БЕРКИНА ОЛМАЙДИ

ЖИНОЯТЧИЛИККА қарши курашишда Президентимизнинг: “Ҳар бир жиноятнинг илдизигача етиб бориш, жамиятда жиноятчиликка қарши курашиш имунитетини шакллантириш керак. Акс ҳолда, жиноятнинг оқибатлари билан овра бўлиб юраверамиз. Бундай кайфият билан ишлашга йўл қўймайман”, деган фикрлари келгуси ҳаракатларимиз учун дастуриламал вазифини ўтамоғи лозим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2000 йил 15 ноябрдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясининг 6-моддасига кўра, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш халқаро жиноят сифатида эътироф этилган.

Шунга асосан 2004 йилда МДҲ ҳудудида фаолият кўрсатувчи Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Евроосиё регионал гуруҳи (ЕАГ) ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари сифатида аниқ йўналишларни белгилаш, ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, унинг самарадорлигини баҳолаш, бу ишларни халқаро миқёсда мувофиқлаштириш, чуқур таҳлил қилиш ва тажриба алмашиш белгиланган.

Юрдиқадилларга асосан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ қилишларга тўғри жиноий-ҳуқуқий баҳо бериш, жиноятларнинг олдини олиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 20 сентябрдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмин молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идораларо комиссияни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига биноан ФАТФ (ФАТФ — даромадларни легаллаштиришга қарши молиявий кураш чораларини ишлаб чиқиш гуруҳи — бу ҳукуматлараро мустақил ташкилот бўлиб, даромадларни легаллаштириш, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатилишини молиялаштиришга қарши кураш борасида жаҳон молия тизимини ҳимоя қилиш юзасидан ўз принципларини ишлаб чиқади ва уларни оммалаштириш билан шуғулланади. ФАТФнинг тавсиялари даромадларни легаллаштириш (ПОД) ва терроризмин молиялаштириш (ПФТ) юзасидан умумэътироф этилган халқаро стандартлар ҳисобланади) тавсияларидида талабларни ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш назарда тутилганлиги мазкур жиноятнинг олдини олиш уларга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Шунингдек, миллий қонунчиликка бу каби ўзгартириш ва қўшимчанинг киритилиши жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши самарали курашишга хизмат қилади.

ЖИНОЯТ САБАБЛАРИ ҲАҚИДА...

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти сабабларини ўрганишда

легаллаштиришнинг усуллари ва алоҳида аҳамият берилиши лозим. Бу усуллар бевосита порахўрлик, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, коррупция, тамағирлик, одамларни гаровга олиш, молиявий фирибгарлик, терроризм ва бошқа жиноятларнинг содир этилиши билан боғлиқ.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашувчи давлат органларининг маълумотларига кўра, бугунги кунда мазкур жиноят қийиндаги усуллар билан амалга оширилмоқда: молиявий операциялар; олди-сотди битими, займ (қарз) кредитлаш; ишбилармонлик фаолияти; қалбаки иқтисодий фаолият (сохта фирма ва корхона очил). Уларнинг классификацияси: шахсий ёки “тўда” манфаати учун даромад олиш мақсадида давлат идоралари мансабдор шахсларининг савдо-сотик фаолиятида қатнашиши; давлат маблағларини савдо-сотик тизимига кўчириш (“перекачка”) ва уларни нақдлаштириш (“обналичивание”); давлат ресурсларини жалб қилган ҳолда ўз “тўда”сининг (сиёсий, диний, миллий) манфаати учун имтиёз яратиш; шахсий ёки “тўда” манфаати йўлида оммавий ахборот воситаларига таъсир ўтказиш; давлат хизматчилари томонидан савдо-сотик тизимдаги асосан яқин қариндошлари номига расмийлаштирилган сохта фирмалардан фойдаланиш; шахсий манфаат кўриш мақсадида, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ахборот найрангини ишлатиш (ахборотни бузиб кўрсатиш, ҳужжатларни бериш мuddатини атайлаб чўзиш ва бошқалар); тўғридан-тўғри шахсий манфаатини кўзлаган ҳолда бюрократик, яъни бошқа савдо-сотик тизимига, сиёсий партияларга ва жамғармаларга маблағ ўтказишда улардан тамағирлик қилиш; маълум гуруҳ манфаати учун норматив ҳужжатларни қабул қилишда қонбозлик кўрсатиш; айрим номзодларнинг сайлов жамғармасига давлат ресурслари ҳисобидан маблағ ажратиш. Шунингдек, қуйидаги усулларни қўйиш мумкин: ўз даромадининг ҳақиқий манбасини яшириш мақсадида бўлган шахслар томонидан хайрият жамғармаларини очил ва ўз пулларини яширин ҳолда ўзининг фондига ҳада қилиш; республика ҳудудида легаллашган хўжалик юритувчи субъект ташкил этиб, уларга савдо-сотик учун назорат қилинмайдиган маблағ киритиш; хусусийлаштиришда қатнашиш (ноқонуний йўллар билан йирик объектларни сотиб олиш, йирик, бозори чаққон маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар акцияларининг катта улушини сотиб олиш); амалга оширилаётган ноқонуний операцияларни яшириш учун юқори самарали корхона кўринишидаги ишбилармонлик қобилигини яратиш; сохта ҳисоб рақамлари орқали қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш; банк механизмлари, мураккаб молиявий муносабат ва пул маблағлари ҳаракатидан фойдаланиш; ин-

вестиция фаолияти; офшор ва бошқа фирмалардан фойдаланган ҳолда нақдлаштириш.

“Легаллаштириш” жиноятини содир этган жиноятчиларнинг шахси ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Улар давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаолиятида қатнашувчи шахслар бўлиб, турли мулк шаклидаги корхона директорлари, иқтисодчилари, бухгалтерлари, ишбилармонлик тизими раҳбарлари, банк, солиқ хизмати хизматчилари ва бошқалар бўлиши мумкин. Ҳозирги кунга келиб, жиноий даромадларни “легаллаштириш” бўйича операциялар халқаро характер касб этмоқда. Жиноятчилар нафақат халқаро миқёсда янада кенгроқ бозорларни эгаллашга интиломоқдалар, балки уларни фош бўлмаслигига давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий ҳамкорлик йўқлиги ва қонунчиликдаги айрим муаммолар уларга ҳар томонлама имкониятлар яратади. Айрим жиноий ва криминал гуруҳлар халқаро қонунчиликдаги бўлиқлардан фойдаланган ҳолда, жаҳон бозоридан ўзларининг ноқонуний фаолиятларини амалга оширмоқдалар ҳамда халқаро легаллаштиришга жалб этилмоқдалар. Айрим давлатларнинг ҳукуматлари халқаро ҳамкорлик ва инвестициядан манфаатдор бўлиб, уларнинг молиявий тизимига қўйилаётган сармояларнинг келиб чиқиш манбасига эътибор қаратмайдилар. Шундай йўллар билан легаллашган пуллар халқаро молия бозорига кириб боради. Қўл ҳолларда фаол ишчанлик фаолияти ортидан топиладан соф даромадлар ноқонуний легаллашган маблағ билан қорилиб кетади ва соф даромад сифатида баён этилади. Аксарини бундай ҳолларда нақд пулга савдо ва хизмат кўрсатувчи (ресторанлар, бар, тунги клублар, магазин, супермаркетлар, бозорлар в.б.) корхоналарни бошқарадилар. Бундай корхоналардан олинган даромадлар ноқонуний йўллар билан топиладан пуллар билан аралашиб кетади ва ҳеч қандай шубҳа уйғотмаган ҳолда банкдаги ҳисоб рақамларига келиб тушади. Қундалик банк операцияларидан ташқари “яширин” банк операциялари ҳам кенг ёйила бошлади. Банкларда криминал операцияларининг қуйидаги турлари мавжуд: рўхсатномасиз банк фаолияти; ноқонуний валюта операциялари; ноқонуний йўллар билан топиладан пулларни легаллаштиришда қатнашиш; криминал фаолиятни кредитлаш.

Банк тизими, унинг нормал фаолият олиб боришига, рўйхатдан ўтмасдан ёки махсус рўхсатномасиз ёхуд рўхсатнома олиш шартларини бузиб, банк фаолиятини амалга ошириш сезиларли зиён етказиши. Ноқонуний даромадларни легаллаштириш имконияти жиноий капитални жиноятчиликни янада ривожлаштириш учун сарфлашга шарт-шароит яратади. Шундай қилиб, банк тизими янги криминал ҳодиса — жиноий фаолиятни молиялаштиришни амалга ошириш учун фойдаланилади. Банклар-

даги шахсий ҳисоб рақамларига ўтказилган легаллашган пуллар жиноий уюшмалар таъминоти, мансабдор шахсларни сотиб олишга ва ҳоказоларни амалга оширишга йўналтирилади.

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР БОР...

Экспертлар фикрига кўра, жиноий бизнесдан олинган маблағлар қуйидаги йўллар билан легаллаштирилади: банкларнинг низоми жамғармаларига ҳамда қимматбаҳо қоғоз ва аҳолининг пул омонатлари билан операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга киритиш; қўшма корхоналарнинг низоми жамғармаларига киритиш; валютага конвертация қилиниб, чет эл банклари ҳисоб рақамига ўтказиш. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга аҳамиятга эга бўлиб, бундай ҳамкорлик мазкур жиноятнинг юридик табиатидан келиб чиқади ҳамда унга қарши кураш олиб боришнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида айнан жиноятчиликка, хусусан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятларига қарши курашда халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни тартибга солишга қаратилган қоидалар халқаро шартномалар ва бир қатор қонун ҳамда қонуноти ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятини халқаро ҳамжамият томонидан трансмиллий жиноят, деб эътироф этилганидан ташқари, содир этилиши натижасида халқаро ҳамжамият учун салбий оқибатлар келтириб чиқариши ва жиноий хатти-ҳаракатлар халқаро мажбуриятларнинг бажарилмаслиги натижасида амалга оширилиши, жиноятнинг олдини олиш ва қарши курашда биргаликда (халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликда) фаолият олиб бориш зарурияти туфайли трансмиллий характердаги жиноят сифатида эътироф этилади. Ҳозирги кундаги уюшган жиноий гуруҳлар томонидан одам ўлдирши, талончилик, босқинчилик, ўғрилик, товламачилик каби анъанавий усуллар билан бир қаторда, катта даромад олишга қаратилган терроризм, табиий бойликларни сотишдан келадиган даромадларни ўзлаштириш, давлат мулкларини ноқонуний хусусийлаштириш, савдо, солиқ ёки валюта соҳасидаги жиноятлар содир этилмоқда.

Шунинг учун ҳам жаҳон ҳамжамияти томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш, солиқ соҳасидаги қонунбузарликларни аниқлаш, барҳам бериш, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бош торттиш, нақд пул ва хоржий валюта маблағларининг ноқонуний айланишига, жиноий даромадларнинг асосий манбаси бўлган “хуфийна” биз-

неснинг шаклланишига қарши курашиш бўйича ҳар томонлама чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятининг миллий қонунчиликдаги муаммоларидан яна бири, бу мазкур тоифадаги жиноятларни кримнология ва жиноят ҳуқуқи фани назариясида етарли даражада ёритилмаганлигидир. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятини трансмиллий характердаги жиноят сифатида эътироф этишнинг яна бир ўзига хос жиҳати сифатида, жиноятнинг халқаро ҳуқуқ субъектлари ва жисмоний шахслар томонидан содир этилишини ва жиноят субъектларининг жавобгарлик механизмини таъкидлаш лозим.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашда халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бундай ҳамкорлик мазкур жиноятнинг юридик табиатидан келиб чиқади ҳамда унга қарши кураш олиб боришнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Хулоса ўрнида шунга айтиш керакки, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг айрим жиҳатлари сифатида қуйидагилар:

• жиноий даромадларни легаллаштиришнинг олдини олиш мақсадида Халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш; оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий ниғилизмин бартараф этишга қаратилган махсус дастурларни кенгроқ ёритиш;

• жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишларни тўғри ҳуқуқий баҳолаш, уларни дифференцияция қилиш мақсадида Олий суд Пленумининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 2011 йил 11 февралдаги қарорига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. Ноқонуний ёки шубҳали операцияларни назорат қилиш мақсадида иқтисодий институтларни назорат қилишни янада қучайтириш;

• жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш механизmlарни ишлаб чиқиш борасида халқаро тажрибадан кенг фойдаланиш таклиф этилади.

Гулчехра Тўлаганова,
Тошкент давлат юридик
университети профессори,
юридик фанлар доктори,
Албина Тожиева,
Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси,
юридик фанлар номзоди

ГАПНИ сал узоқдан бошлашга тўғри келади. Мустақилликдан анча йил илгари шифохонада даволанаётганмида беморлар билан телевизор томоша қилиб ўтирсак, бир гуруҳ маданият ва санъат арбобларининг давра суҳбатига оид кўрсатув бошланиб қолди. Улар орасида Халқ таълими вазир ва комсомол ташкилотининг етакчиси ҳам бор эди. Кўрсатув ўзбек тилида олиб борилаётганди. Вазир ва комсомол етакчиси ҳар гал гапириш навбати келганда тиллари каловланиб қолишар, шунда беихтиёр рус тилида гапиришар, бошловчининг саволларини яхши илгмай "нима деяпти у", дегандай елка қисшар, бошловчи ноилож уларга саволнинг маъносини рус тилига таржима қилиб беради. Бундай шармандали ҳолат ойнаи жаҳон орқали бутун мамлакатга намойиш этилаётган эди.

Бу кўнгилсизликдан жуда қаттиқ таъсирландим, ўзимни, миллатимизни худди таҳрирлангандек ҳис эрдим ва бутун дарду армонларимни "Халқ қалби", деган бир мақолага го этиб, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида (1987 йили, ҳали тилимизга давлат тили мақоми берилмаган замон эди) чоп эттирдим. Газета бош муҳаррири машҳур адибимиз Одил Ёқубов эди. Мақола юзасидан баҳс-мунозаралар газета саҳифаларида бир неча йилгача давом этди. Кейинчалик, 1989 йили тилимизга давлат тили мақоми берилди.

Тил ҳақидаги қонуннинг қандай бажарилаётгани алоҳида мавзу. Назаримда, асосий масала — махсус қонун ҳимоясига олинган Давлат тилига муносабатимиз ўзгардими ўзи? Ахир, орадан шунча йиллар ўтди-ку!..

Яқинда хусусий ТВларнинг бирида (яна телекўрсатувлар мавзуга туртки бўлган) намойиш этилган кўрсатувни томоша қилиб қолдим. Бошловчи кўрсатувни ўзига хос, қувноқ беш кайфиятда, эркин, жонли тарзда олиб борарди. Кўрсатувнинг

навбатдаги сони телевидениемизнинг фахрийларидан бири, машҳур суҳандонга бағишланган экан. Даврадагилар унинг ҳамкасблари — суҳандонлар эди. Мени таажжублантирган ва анча ранжитган ҳолат шу бўлдики, давлат тили мақомидаги тилимизнинг қадру қиммати ҳақдадан кўпроқ англаши лозим бўлган касб эгалари давлат тилида эмас, рус тилида, гўё бу тилда ким зўр гапиришини намойиш этмоқчидек, бурро-бурро гапирдилар. Ваҳоланки, кўрсатув ўзбек тилида олиб борилаётган эди. Мабодо ушбу шарафлаш маросими суҳандон оламизнинг уйда ёки бирор ресторанда ўтказилаётганда бошқа гап эди. Аммо бу кўрсатув 33 миллион халққа намойиш этилаётган эди-ку!

Сир эмас, мустақилликдан илгари турли идоралардаги мажлис-анжуманларда маҳаллий тилни билмайдиган бир нафар русийзабон одам қатнашаётса ҳам, ўша боқийиш тушунсин, дея йилги рус тилида ўтказилаверар, бу одатга ҳамма қўниқиб кетган эди. Ахир мустақиллик шарофати билан азалий, миллий қадриятларимизга, жумладан, тилимизга ҳам муносабатимиз ўзгариши керак-ку! Машҳур шоиримиз лутф этганидек, "Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас".

Ўша кўрсатувни афсус-надомат ила томоша қилар эканман, мабодо тилимизга муносабатимиз рисоладагидек бўлганда эди, тил ҳақидаги Қонунни ҳурмат қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини чуқур англаб, ҳис этганимизда эди, Ўзбекистонда саксон йилдан ортиқ яшаётган суҳандон опа ҳам маҳаллий тилни аллақачон ўрганиб олган, лоқал тушунадиган

бўлур эди, деган фикр хаёлимдан ўтди. Истак-хоҳиш бўлса бас. Ахир, биз айрим Болтиқбўйи республикаларидаги каби одамларни ишга қабул қилишда маҳаллий тилдан имтиҳон топширишни талаб этаётганимиз ёки мактабларда дарслар фақат маҳаллий тилда ўтказилишини жорий этаётганимиз йўқ-ку!..

Гоҳо шифохона ва поликлиникалардаги рўйхатоналарга телефон қилиб, "Ассалому алайкум!" десам, у томондан "Здравствуйте", деган жавобни эшитиб ҳафсалам пир бўлади. Кайфиятимни сездирмай суҳбатни давом эттираман: "Мен давлат тилида гаплашмоқчиман!". Шунда ҳам ҳамсуҳбатим нима учун бундай деяётганимни англамай жавоб қилади: "Что вы хотите?"...

Мавриди келганда мавзуга дахлдор яна бир вояқани эсламоқчиман. Узоқ йиллар муқаддам Грузияга сафар қилган эдим. У ерда машҳур кардиолог дўстим Амиран Нодарянини уйда меҳмон бўлдим. Дўстим ишхонасидаги ҳамкасблари билан таништирди. Турли миллатга мансуб ҳамкасблар ўзаро мулоқотларда фақат грузин тилида гаплашарди. Менинг хайрон қолганимни кўрган дўстим кейинроқ тушунтирди. Грузинлар бизга ўхшаб бошқалар ҳам тушунсин, дея ўзаро ҳеч қачон бегона тилда сўзлашшамас, грузин грузин билан фақат ўз тилида мулоқотда бўлар экан.

Юртимиздаги хоржий дипломатия вакиллари республикаимизда қайси тилнинг маъқеи, нуфузи бандроқ эканини синчковлик билан кузатиб борадилар ва ўша маъқеа бандроқ тилни ўрганадилар. Шу

боис айрим элчихона ходимларининг давлат тилини эмас, рус тилини афзал кўришаётганидан ажабланмасак ҳам бўлади. Фақат дипломатия вакиллари эмас, айрим ота-оналар ҳам, фарзандларига зўр бериб хоржий тилларни ўргатмоқдалар. Тилни ўрганиш яхши, албатта, фақат бу хайрли иш она тилини чала-чулла билиш ҳисобига бўлмаслиги керак. Афсуски, фарзандлари хоржий тилда бенуқсон сўзлайдиган айрим ўзбек хонадонларида болакайлар она тилини яхши билишмайди, бу тилда гаплашишни афзал ҳам кўришмайди. Шу ўринда ота-онанинг маънавий савияси, она тилига муносабати жуда ҳам муҳимдир. Ҳикматда айтилганидек, "Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи лозим".

Ўз она тилини билмайдиган шахсни ҳеч ким ҳурмат қилмас керак. Она тилини билмаслик — манкуртлик сари ташланган биринчи қадам бўлади.

Президентимизнинг ўтган йили мамлакатимизнинг хориждаги вакиллари, элчиларимиз билан учрашувида айтган "Ўзбекистоннинг чет элдаги элчиси бўлса-ю, ўзбек тилини билмас, бу халқимизга хиёнат эмасми?" деган сўзларини эслаш ўринлидир. Давлатимиз раҳбари Ҳиндистонга сафар қилганида, "Жўшқин Гужарат" саммити чоғида ўзбек тилида нутқ сўзлади. Тилимизнинг дунё саҳнасига чиқаётганини кўриб гурурландик.

Шодмон ОТАБЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси,
Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган маданият ходими

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2019 йил 9 январда Исломобек Анарбек Фаткуллаевич билан ТН 000533 рақами адолатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда адвокатлик мақоми Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 20 августдаги 84-А-ум-сонли буйруғига асосан тугатилди.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман "Ягона дарча" марказида 21.09.2017 йилда 544427-сонли рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 20-маве, 20-уй, 38-хонадон манзилида давлат рўйхатидан ўтган "SMAT" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 305 068 077) тасъисчиларининг 2019 йил 6 сентябрдаги 3-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 703-00-22.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 11.09.2018 йилда 634938 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз тор кўчаси, 6-уй, А-блок манзилида давлат рўйхатидан ўтган "BLACK WHEEL" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 305 741 744) тасъисчиларининг 2019 йил 17 июлдаги йилги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 738-83-33.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 14.08.2018 йилда 629396 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Водил 3-тор кўчаси, 13-уй, 16-хонадон манзилида давлат рўйхатидан ўтган "AN-NUR EFFECT" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 305 701 634) тасъисчиларининг 2019 йил 30 августдаги 3-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (93) 755-00-07.

Тошкент шаҳар, Миробод туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 21.07.2011 йилда 002513-03 реестр тартиб рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 3/2-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "LAURA" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 200 848 765) тасъисчиларининг 2019 йил 30 январдаги қарорига асосан тугатилди.

Тошкент шаҳар, Миробод туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 10.04.2012 йилда 005768-03 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Сурхон кўчаси, 30-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "GLAMOUR PRINT" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 302 267 544) тасъисчиларининг 2019 йил 29 августдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 932-54-31.

Тошкент шаҳар, Миробод туман "Ягона дарча" маркази томонидан 06.10.2017 йилда 546755 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, 3-тор Савр кўчаси, 19-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "SARA PRODUCT" оилавий корхонаси (СТПР: 305 084 557) тасъисчиларининг 2019 йил 30 августдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 420-13-13.

Тошкент шаҳар, Миробод туман "Ягона дарча" маркази томонидан 06.10.2017 йилда 546755 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, 3-тор Савр кўчаси, 19-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "SARA PRODUCT" оилавий корхонаси (СТПР: 305 084 557) тасъисчиларининг 2019 йил 30 августдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 995-96-21.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 10.01.2018 йилда 563998 рўйхат рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "GARDEN OF FRAGRANCES" хусусий корхонаси (СТПР: 305 208 184) думалоқ муҳри йўқолиши сабабли бекор қилинади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 960-76-39.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 14.12.2018 йилда 656658 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 18/1-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "CONTROL SECURITY" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 305 904 478) тасъисчиларининг 2019 йил 29 августдаги 2-сон йилги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (93) 387-07-08.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 12.02.2019 йилда

685874 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бешкент кўчаси, 42-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "GOLDEN GROUP ABA" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 306 129 940) тасъисчиларининг 2019 йил 4 сентябрдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (91) 192-28-22.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 16 августдаги 295-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "STATUS" адвокатлик фирмаси адвокати Дудмуродов Отабек Маъсумовичга 2018 йил 29 декабрда берилган SA 000351-сонли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Мирзо Улугбек туман "Ягона дарча" маркази томонидан 12.07.2016 йилда 010919-04-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 39-А уй манзилида жойлашган "ENERGY PHARM" хусусий корхонаси тасъисчиларининг 2019 йил 27 августдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар (93) 590-61-66 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 304 137 767.

Мирзо Улугбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 22.01.2019 йилда 671688-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 250-уй манзилида жойлашган "NINACSI GOLD" масъулияти чекланган жамият тасъисчиларининг 2019 йил 28 августдаги 2-сонли баённомасига асосан тугатилди.

Давлолар (90) 949-62-20 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 306 019 849.

Мирзо Улугбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 03.12.2018 йилда 654130-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Садиков кўчаси, 13-уй манзилида жойлашган "ASR INVEST BUILD" масъулияти чекланган жамият тасъисчиларининг 2019 йил 4 сентябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлолар (97) 777-80-01 телефон рақами орқали қабул қилинади.
ИHN: 305 885 636.

Шайхонтоҳур туман Давлат хизматлари маркази томонидан 18.04.2019 йилда Шайхонтоҳур тумани, Бепитва кўчаси, 26-уй, 35-хонадон манзилида №71385 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "AL CLASSIC MEGA" оилавий корхонаси 2019 йил 7 сентябрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қорхона почта манзили орқали қабул қилинади.
СТПР: 306 347 100.

Шайхонтоҳур туман Давлат хизматлари маркази томонидан 07.03.2017 йилда Шайхонтоҳур тумани, Т.Расулов кўчаси, Қизил тамга А 1-тор кўчаси, 22-уй манзилида №006838-09 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "BEST FOOD STAMP" масъулияти чекланган жамияти 2019 йил 6 сентябрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қорхона почта манзили орқали қабул қилинади.
СТПР: 304 618 175.

Шайхонтоҳур туман Давлат хизматлари маркази томонидан 26.04.2018 йилда Шайхонтоҳур тумани, Озғарна тор кўчаси, 9-уй манзилида №603904 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "THE LEVEL GROUP" масъулияти чекланган жамияти 2019 йил 6 сентябрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қорхона почта манзили орқали қабул қилинади.
СТПР: 305 512 728.

Шайхонтоҳур туман Давлат хизматлари маркази томонидан 28.01.2015 йилда Шайхонтоҳур тумани, Жангоҳ кўчаси, 19-уй манзилида №008063-09 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "BEST VIP SERVICE" масъулияти чекланган жамияти 2019 йил 27 августдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қорхона почта манзили орқали қабул қилинади.
СТПР: 303 163 578.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристарлар малакасини ошириш Маркази жамоаси "Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари" кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор Лола Саидовага уқаси **Илҳом КАРИМОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг етакчи маслаҳатчиси Сайқалбек Аллабёровга отаси **Чарияр АЛЛАЯРОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Навий вилоят адлия бошқармаси жамоаси Учқудуқ туман давлат нотариал идораси нотариуси **Элбек Муҳиддиновга** онаси **Ойдин Ота Муҳиддинованин**г вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Тошқуллов Акбар Жўрабоевич
- Рабиев Шерзод Миржалолович
- Тожиёв Фуқрат Шомиродович
- Искандаров Ёрбек Нурбекович
- Эргашева Дилфуза Рустамовна
- Мамадалиев Зайниддин Очилович

Таҳририятга келган кўлемзапар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
Мадина Ҳамдамова

Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 болама табақ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" наشريёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 9980
Буғурта — V-3750
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 22:00

МАНЗИЛИМИЗ:
100 000, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-35.
Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08
Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоис қилинган нарҳда

1 2 3 4 5

ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхат олинган

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

ISSN 2010-7817

7772030781008

Бош муҳаррир
Қўчқор НОРҚОБИЛ

ПАРМОНОВИЧ ПЕНСИЯГА ЧИҚМОҚЧИ “ПАРМОНОВ” ЭСА ХАЛАЛ БЕРМОҚДА




СОБИҚ шўролар даврида жуда кўп фуқароларимизнинг исм-шарифлари иш юритиш ҳужжатларида хато ёзилиши оқибатида айримлар бугун пенсияга чиқиш жараёнида турли қийинчиликларга дуч келаётганлига гувоҳ бўлаемиз. Ана шундай саргардонлардан бири Навбахор туманидаги М.Улуғбек маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Рустам Пармонович Эшмуродовдир. У туман адлия бўлимига фамилияси нотўғри қайд этилганлиги боис ишлаган иш ҳақларини пенсияга чиқиш учун қўшмаётганларидан норози бўлиб мурожаат қилган. Адлия бўлими томонидан фуқаронинг мазкур мурожаати ўрганиб чиқилди.

Фуқаро Р.Эшмуродов мурожаатида 1974 йилдан 1976 йилга қадар Навбахор туманидаги собиқ “Бухоро” колхозида ишчи бўлиб ишлаганлиги, бироқ архив томонидан берилган маълумотномада 1974-1976 йилларда собиқ “Бухоро” колхозидида иш ҳақи китобларида унинг фамилияси “Пармонов”, деб нотўғри ёзилганлиги сабабли, ушбу даврлар пенсиясига қўшиб ҳисобланмаслиги маълум қилинганлиги, иш ҳақи китобларидаги Рустам Пармонов номига ёзилган иш ҳақларини ўзига тегишли эканлиги фактини тасдиқлаш учун судга ариза киритиб беришни сўраган.

Мурожаатни ўрганиб чиқиш давомида Р.Эшмуродов ҳақиқатан ҳам 1958 йил 22 июлда Навбахор туманида туғилганлиги, унга тегишли бўлган туғилганлик ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномаларда, НТ №8380835-сонли ҳарбий гувоҳномасида “Эшмуродов Рустам Пармонович” номи қайд этилганлиги сабабли, 1974-1976 йилларда собиқ “Бухоро” колхозидида иш ҳақи китобларида “Пармонов Рустам” номига юритилган иш ҳақи тўғрисидаги ҳужжатлар унга тегишли эканлиги ҳақидаги юридик аҳамиятга эга бўлган фактни белгилаш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Навбахор туманлараро судига ариза киритилиб, суднинг 2019 йил 31 майдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилди.

Нурали ИСРОИЛОВ,
Навбахор туман адлия бўлими бошлиғи

СОЛИҚ КЎЙГАН “ТУЗОҚ” 33 КИШЕНИ МАОШСИЗ ҚОЛДИРДИ



АДЛИЯ идоралари халқнинг дардини тинглабгина қолмай, уларнинг муаммоларини ижобий ҳал этишда ҳам катта таърибага эга.

Шу боисдан ҳам фуқаролар ўзларини қийнаётган барча муаммолар юзасидан адлия бўлимига мурожаат қилаётганлиги қорондаги фикрларимизнинг исботидир.

Сергели туман адлия бўлими томонидан “Sergeli kichik sanoat zonasini boshqarish direksiyasi” давлат унитар корхонаси ходимларининг жамоавий мурожаати ўрганиб чиқилди. Мазкур мурожаатда “Sergeli kichik sanoat zonasini boshqarish direksiyasi” ДУКнинг 33 нафар ходими икки ойдан буён иш ҳақини ололмаётганлиги баён қилиниб, иш ҳақларини олишда амалий ёрдам сўралган.

Ўрганиш жараёнида Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси томонидан камерал текширув асосида “Sergeli kichik sanoat zonasini boshqarish direksiyasi” ДУКга 2018 йил учун 752 705 825 сўм ҳамда 2019 йил учун 1 миллиард 204 329 324 сўм ер солиғи ҳисоблаб чиқилиб, жорий йилнинг 6 февраль кунидан Сергели туман давлат солиқ инспекцияси томонидан К-2 картотека қўйилиб, 2018 йил учун пеня ҳисобланган, ушбу солиқ қардорлигини ҳисоблашни бўйича “Sergeli kichik sanoat zonasini boshqarish direksiyasi” давлат унитар корхонаси томонидан юқори ташкилотларга эътирозлар билдириб, туман давлат солиқ инспекцияси билан низолашган. Шунга қарамасдан туман давлат солиқ инспекцияси корхона ҳисоб рақамидан 402 миллион 200 минг сўм маблағни қардорлик учун олиб қўйган, натижада давлат унитар корхонаси томонидан ходимларга иш ҳақи тўланмаганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 154-моддасига асосан, иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасига кўрсатилган муддатларда тўлаши шартлиги белгиланган.

Ўрганиш натижаларига кўра, туман давлат солиқ инспекцияси томонидан қўйилган картотейка “тузоқ”ни баҳона қилиб, ишчиларни маошсиз қолдирган “Sergeli kichik sanoat zonasini boshqarish direksiyasi” давлат унитар корхонасидан фуқаролик ишлари бўйича Яққасарой туманлараро судига 33 нафар ишчи ходими фойдасига жами 65 315 106,67 сўм миқдорда ойлик иш ҳақини ундириб бериш ҳақида даъво аризаси киритилди ва фуқароларга иш ҳақларини ундириш тўғрисида суд қарори чиқарилди.

Рустам АБУЛХАЙРОВ,
Сергели туман адлия бўлими бошлиғи

ИШ ҲАҚЛАРИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ



КОГОН туман адлия бўлими томонидан “Нефтьгазуриштиш” АЖ 5-сон қурилиш монтаж бошқармаси унитар корхонаси томонидан корхонада ишлаб келаётган ишчи-ҳодимлар ўртасида сайёр қабул ўтказилди.

Сайёр қабул давомида Когон туман, “Шўробод” МФЙ, Шўробод қишлоғи, 39-уйда яшовчи Холиқов Меҳрилло Муродиллоевич мурожаат қилиб, “Нефтьгазуриштиш” АЖ 5-сон қурилиш монтаж бошқармаси унитар корхонасида 2019 йил 26 марта қадар диспетчер вазифасида ишлаганлиги, ишдан озод қилиш тўғрисида корхона бошлигининг 2019 йил 26 мартдаги буйруғи қабул қилинганлиги, 2019 йилнинг январь ойдан бошлаб, 2019 йилнинг 26 март кунига қадар жами 5.495.543 сўмлик иш ҳақи тўловлари ва якуний ҳисоб-китоблар иш берувчи томонидан тўлаб берилмаганлигини кўрсатиб, иш ҳақи тўловларини ундириб беришни сўради.

Худди шу мазмунда жами 10 нафар ишчи-ҳодимларнинг мурожаатлари туман адлия бўлими иш юритувида қабул қилиниб ўрганилди ва 10 нафар ишчи-ҳодимларга корхона томонидан тўланмаган жами 33 миллион 154,4 минг сўмлик иш ҳақларини ундириш юзасидан 2019 йил 22 июль кунини Фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро судига ариза киритилиб, 2019 йил 26 июлда суд буйруғи чиқарилиб, 33 миллион 154,4 минг сўмлик иш ҳақлари тўлашни таъминланди.

Бундан ташқари, туман адлия бўлими томонидан “Нефтьгазуриштиш” АЖ 2-сон қурилиш монтаж бошқармаси унитар корхонасида мониторинг ўтказилганда, корхона томонидан 2018 йилнинг октябрь ойдан 2019 йилнинг 5 февраль кунига қадар 176 нафар ишчи-ҳодимнинг жами 470 000 000 сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ўз вақтида тўланмасдан келинаётганлиги аниқланди.

Бўлими томонидан 2019 йил 18 февраль кунини иш ҳақи тўловларини зудлик билан тўлаш чораларини кўриш ҳақидаги тақдимномага кўра корхона томонидан 176 нафар ишчи-ҳодимларнинг жами 470 000 000 сўмлик иш ҳақлари тўлаб берилиши таъминланди.

Ҳабиб ҚОРЎҒДИЕВ,
Когон туман адлия бўлими бошлиғи

ХОДИМ ЎЗ ИШИГА ТИКЛАНДИ

2019 йил 8 июль кунини КеҒейли туман Адлия бўлимига КеҒейли тумани “Жузим бағ” ОФЙда истиқомат қилувчи фуқаро Аллярова Зараван Азатбаевна тумандаги 10-сонли мактабга таълим бўлимида 2015 йил 18 декабрь кунидан 0,5 штат бирлигида тарбиячи ёрдамчиси ва 0,5 штат бирлигида хўжалик бекиси лавозимларида ишлаганлигини ва 2018 йилнинг 9 мартидан бола туғиш таълими бўлимида бўлганлигини ва 2019 йил июль ойида ишга чиқиш учун борганида мактабга таълим бўлими мудири Б.Торемуратовга сиз вақтинча бошқа фуқаронинг ўрнида ишлагансиз ва сиз тўғридан-тўғри ишдан бўшагансиз, деб рад жавобини берганлигини айтиб мурожаат қилган.

Мазкур мурожаат ўрганилганда иш берувчи томонидан ҳомиладор аёллар ва 3 ёшгача фарзанди бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчи ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмаслигига қарамасдан Меҳнат кодексининг 237-моддаси талабларининг бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди. Қўйида аниқланган қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги учун 10-сон мактабга таълим бўлими мудири Б.Торемуратовга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдоридан 608.190 сўм жарима қўлланилди. Шунингдек, фуқаро Аллярова Зараван Азатбаевна ишига қайта тикланди.

Темирбек КОЙЛЫБАЕВ,
КеҒейли туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

ТУРАРЖОЙ ТАЪМИРЛАБ БЕРИЛДИ

ҚўРҒОНТЕПА адлия бўлими томонидан тумандаги Учқун маҳалласида ўтказилган сайёр қабул жараёнида фуқаролар Гаитов Аъзамжон, Мамадалиева Дилафруз ва Кахарова Нилуфар томонидан мурожаат келиб тушган.

2018 йилда қуриб, кам таъминланган фуқаролар учун топширилган тураржойларнинг таъмирталаб ҳолатга келиб қолганлиги аниқланди. Мурожаатни ўрганиш натижасида тураржойни қуриб битказган пудратчи ташкилот томонидан бино таъмирлаб берилди ва атроф йўлларга тўлиқ асфальт ётқизилди.

Турсунбой МИРЗАЕВ,
Қўрғонтепа тумани адлия бўлими бошлиғи



ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

БУХОРО шаҳар адлия бўлими томонидан фуқаро Темиров Яҳёнинг мурожаатини ўрганиш давомида, “Бухоро таъмирлаш-тиклаш хизмати” давлат унитар корхонасида дуррадор лавозимида ишлаб келиб, 1.138.500 сўм миқдорда ойлик иш ҳақини ололмаётганлиги аниқланди.

Шу муносабат билан, Бухоро шаҳар адлия бўлими томонидан меҳнат қонунчилиги талабларининг бузилиши юзасидан “Бухоро таъмирлаш-тиклаш хизмати” давлат унитар корхонаси раҳбарияти номига тақдимнома киритилиб, фуқаронинг Конституция ва бошқа қонунлар билан қўриқланган ҳуқуқ ва манфаатлари тикланиб, ойлик иш ҳақи ундириб берилди.

Абдурахимхўжа БАФАЕВ,
Бухоро шаҳар адлия бўлими бошлиғи